



АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ МОБИЛЛИГИ

Базарова Гулнора Гуламовна -
Андижон машинасозлик институти
Гуманитар фанлар кафедраси доценти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a46

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатда мобиллик ҳолати, мобилликнинг аҳолини иш билан таъминлашдаги ўрни, хусусиятлари таҳлил этилган, Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши, меҳнат ресурсларининг миграцион ҳаракати, меҳнат ресурслари мобиллигининг сабаблари, оқибатлари, муаммолари, бандлик муаммоси, аҳоли миграцион фаолиятининг салбий ва ижобий жиҳатлари ўрганилиб муаммоларни ҳал қилиш бўйича илмий асосланган таклифлар берилган.

Калит сўзлар. Мобиллик, меҳнат бозори, миграция, меҳнат ресурслари, ҳудудий тақсимот, меҳнат потенциали, таълим, касб-малака, ташқи ва ички ҳудудий мобиллик.

МОБИЛЬНОСТЬ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ ПРИ ОБЕСПЕЧЕНИИ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ

Базарова Гулнора Гуламовна -
Андижанский машиностроительный институт
Доцент кафедры гуманитарных наук

Аннотация. В данной статье анализируется состояние мобильности в стране, роль и особенности мобильности в обеспечении занятости, изучается и научно обосновывается развитие экономики Узбекистана, миграционное движение трудовых ресурсов, причины, последствия, проблемы мобильности трудовых ресурсов, проблемы занятости, негативные и позитивные аспекты миграционной активности населения.

Ключевые слова. Мобильность, рынок труда, миграция, трудовые ресурсы, региональное распределение, трудовой потенциал, образование, профессиональная квалификация, внешняя и внутренняя региональная мобильность.

MOBILITY OF LABOR RESOURCES IN THE PROVISION OF EMPLOYMENT TO THE POPULATION

Bazarova Gulnora Gulamovna -
Andijan Machine-Building Institute
Associate professor of the Department of Humanities

Annotation. In this article, the state of mobility in the country, the role and features of mobility in the provision of employment are analyzed, the development of the economy of Uzbekistan, the migration movement of labor resources, the causes, consequences, problems of mobility of labor resources, employment problems, negative and positive aspects of the migration activity of the population are studied and scientifically based

Key words. Mobility, labor market, migration, labor resources, regional distribution, Labor potential, education, professional qualification, external and internal regional mobility.

Кириш. Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар бозор муносабатлари шаклланиши мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ривожланиши ва мавқеини тубдан ўзгартирмақда. Турли хил мулк, ҳажми ва фаолияти турлича бўлган корхоналарнинг мавжуд бўлиши янги иқтисодий, ва ҳуқуқий муносабатлар шаклланишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат инсонлар ўртасидаги муносабатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда, уларнинг мулкка, олинаётган натижа ва унинг самарадорлигига бўлган қарши тубдан ўзгариб бормоқда. Бу жараёнлар аҳолини иш билан таъминлаш ва бу орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш, энг аввало, мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек “камбағалликни қисқартириш ва

қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир ва ички миграция жараёнидир” [1], - дея 2021 йил учун асосий мақсадлардан бири этиб белгиланган.

Меҳнат ресурслари мобиллиги – бу ходимнинг меҳнат салоҳияти компетенция профилининг сифат тавсифи бўлиб, у расмий иш жойини ўзгартириш учун ижтимоий-иқтисодий сабабларга кўра юзага келган иқтисодиётда меҳнатни қўллашнинг турли соҳалари ва йўналишларида унинг ҳақиқий ёки потенциал ҳаракатини белгилайди. Таълим тизимини ривожлантиришнинг замонавий шароитида компетенцияга асосланган ёндашув ходимларнинг меҳнат потенциалини объективлаштиришга тизимлибаҳоловчи ёндашувни шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади, чунки у талабларни услу-

бий ва таҳлилий тизимли расмийлаштиришдир. Ходимнинг меҳнат потенциалининг таркибий қисмларининг интеграциялашуви ва унинг иш жойидаги ижтимоий ва меҳнат муносабатларидаги намоён бўлишининг объектив назорат қилинадиган тавсифи бўлган ваколатлар тўпламини танлаш орқали юқори сифатли меҳнат фаолияти учун ижтимоий-иқтисодий тизим яратилади [2].

Мобиллик – ички ва ташқига бўлинади. Ички мобиллик мамлакат ичкарасида аҳолининг ҳудудлар бўйлаб, яъни шаҳар билан қишлоқ ўртасида қайта тақсимланишига олиб келади. Ташқи мобиллик эса аҳолининг мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиши назарда тутилади.

Камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда эса мобиллик омили ҳам жуда катта роль ўйнайди. Чунки тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ташқи меҳнат миграциясининг иштирокчилари асосан қишлоқ аҳолиси сонига тўғри келади. Шунинг учун қишлоқ меҳнат бозорини ривожлантириш ва ички мобилликни қўллаб-қувватлаш, ташқи меҳнат мобиллигининг сезиларли даражада камайишига сабаб бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Меҳнат ресурсларининг мобиллиги етакчи иқтисодчилари, демографлари ва социолог олимлари томонидан кенг миқёсда ўрганиб келинмоқда. Мобилликнинг жамиятлар, иқтисодиётлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги роли Бауер Т., Беине М., Борхас Г.Ж., Жуликова О.В., Ивахнюк И.В., Нюланд К., Реис М., Сафран В. томонидан таҳлил этилган.

Шеффер Г., Терразас А., Юдина Т.Н. жамият ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида диаспоранинг ролини ўрганишган, ушбу жараёни ўрганишда фойдаланиладиган асосий иммиграция, эмиграция, рэмиграция, миграция қолдиғи “ақилларнинг оқиб кетиши” тушунчалар проф. И.П. Николаева томонидан таклиф этилган[3]. Проф В.А. Ионцев томонидан аҳоли ташқи меҳнат миграцияси асосий турлари чиқиш мамлакати ва кириш мамлакатига таъсир этиш омиллари ва шакллари таснифланиши жиҳатидан тадқиқ этилган[4].

Шу билан бирга Ўзбекистонлик олимлардан миграция муаммосини бўйича, академик Абдурахмонов Қ.Х., Убайдуллаева Р.А., Максакова Л.П., Умурзоқов Б.Х., Мамарасулов Ф.У., Зокирова Н.Қ., Худойбердиев З.Я., Расулова Д. ва бошқалар каби профессор олимлар ўз қарашларини баён этганлар. Ўтган асрнинг охириги ўн йилликларига келиб, саноатлашган–технологик тизим миграция омилининг суръат даражаси ошишига, дунёнинг глобаллашуви ва давлатлараро интеграция жараёнига кучли таъсир ўтказ

ди. Жамиятшунос тадқиқотчиларнинг айнан миграция масалаларини тадқиқ этишга бўлган қизиқиши кескин ортиб борди.

Меҳнат ресурсларининг мобиллигини тадқиқ қилишда унинг жинси, ёши, маълумоти, оилавий аҳволи, касби, олдинги миграция тажрибаси бўйича тартибга академик Қ. Абдурахмонов илмий тадқиқотларида эътибор берилган. Бу тавсифлар мигрантлар жойлашган ва чиқиб кетган жойлардаги меҳнат ресурсларининг таркиби билан қиёслаб кўрилади, бу эса миграциянинг фақат меҳнат ресурсларининг сонига эмас, балки сифат кўрсаткичларига янада тўлароқ ва ҳар томонлама баҳо бериш имконини беради[5].

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида мақолада аҳолининг мобиллиги, унинг аҳамияти, мобилликнинг аҳолини иш билан таъминлашдаги ўрни илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий, тизимли таҳлил, анализ ва синтез тамойиллари асосидаги усуллардан фойдаланиб ҳамда, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлилидан фойдаланилган ҳолда муаммолар аниқланиб, муаммоларнинг ечими сифатида илмий асосланган таклифлар берилган.

Таҳлил ва натижалар. Меҳнат мобиллигига таъсир этувчи омилларни аниқ ва равшан изоҳлаб ўтиш муаммога аниқлик киритади. Ҳозирги вақтда меҳнат мобиллигининг сабаб-оқибатларининг ўзаро боғлиқлигини тушунтириб берадиган бир қатор назария ва концепциялар ишлаб чиқилган. Улар ёрдамида минтақалар ўртасидаги турли миграция оқимларининг кўлами, йўналишлари, жадаллиги, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мезонлари билан биргаликда макродаражада мувофиқлаштиради (иш ҳақи миқдори, иш билан бандлик даражаси, ишчилик даражаси, капитал қўйилмалар ҳажми, уй-жой шароитлари, иш ўринлари сони ва ҳоказолар билан). Бундай ўзаро алоқаларнинг муҳим жиҳати – улар феъл-атворининг мигрантлар таркибига (ёшига, жинсига, маълумот даражасига ва касбий тайёргарлигига ва ҳоказоларга) боғлиқликни аниқлашдир.

Меҳнат ресурслари мобиллигини тартибга солишда ташқи меҳнат мобиллигини ҳисобга олишда ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича қуйидаги муаммоларни санаб ўтишимиз мумкин:

- манфаатдор мамлакатлар ўртасида икки ва кўп томонлама ҳукуматлараро келишувлар, битимлар еталича тузилмаганлиги;
- хорижий меҳнат ресурсларини ёлловчи чет эл фирмалари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлиги ва ҳ.к.
- мигрантлар меҳнатига муносиб ҳақ тўланмаслиги;

- меҳнат мигрантларига тижорат банкларидан транспорт ва вақтинчалик яшаш учун харажатларини қоплаш мақсадида кредитлар ажратилмаслиги;

- хорижлик иш берувчилардан бўш иш ўринлари, иш характери, маош, ишчилардан талаб этиладиган малака (кўникма)лар ҳақида маълумотларнинг мавжуд эмаслиги;

- зарур тиббий ёрдам ва яхши гигиеник шарт-шароит билан етарлича таъминланмаганлиги;

- меҳнат мигранти учун тиббий суғуртанинг мавжуд эмаслиги;

- мигрантлар яшайдиган ётоқжойларнинг санитария-гигиена нормаларига мувофиқ бўлмаслиги ва ҳ.к.

Мобилликнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, халқаро мигрантларнинг сифат таркиби (масалан, таълим даражаси нуқтайи назаридан) ўзгариб бормоқда, давлатлар аро миграция оқимларида юқори малакали мутахассисларнинг иштироки фаоллашмоқда. Бу вазият иммиграция марказлари бўлмиш ривожланган давлатлар учун ижобий аҳамият касб этса, эмиграция ўчоқлари – ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги давлатлар учун эса бунинг акси, яъни салбий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон аҳолисининг миграцион ҳаракатчанлиги нисбатан паст, оҳирги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Ўзбекистонда Европа мамлакатларига қараганда 4-6 баробар паст бўлган. Кейинги йилларда бу пасайиш тенденцияси кузатилиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 2000 йилда республика аҳолисининг миграцияси интенсивлиги 5,8 промилле, 2020 йилда 5,1 промиллени ташкил қилган. Энг юқо-

ри интенсивлик (10,9 промилле) 90 – йилларнинг бошларида юзага келиб, репатриация жараёнлари натижасида содир этилган. Оҳирги йилларда қишлоқ-шаҳар миграцияси нисбатан кичик миқёсда рўй бермоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги вақтда қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиши қишлоқ аҳолиси ўсиш суръатини 5-6 фоизини ташкил қилади.

2019 йилда 172,0 минг киши Ўзбекистонда доимий яшаш жойини ўзгартирди, шу жумладан: 156,3 минг киши республика ичида кўчиб ўтган (90,8 %), 13,2 минг киши хорижий давлатларга кетган (9,2 %) [6].

Республикадаги ҳозирги миграцион вазиятнинг энг муҳим тенденцияси - бу аҳолининг четга чиқишини ялпи ҳажмининг камайиши. Республикага келганлар сони, айниқса, ўтган ўн йилликларга (2000 йилда 71,9 5,4 минг) нисбатан анча камайган (йилига 3-4 минг кишига қадар). Эмиграцион оқим ҳам сезиларли даражада камайди. 2018 йилда республикани 1 917,6 минг киши, 2020 йилда 13,2 минг киши тарк этди, 2000 йилдаги республикадан чиқиб кетган 12 862,5 минг кишига нисбатан камайган. Натижада ташқи миграцияни ялпи ҳажмининг мутасил камайиши кузатилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 2018 йилда унинг республика аҳолисининг умумий миграциясидаги улуши 13,9 %ни, 2019 йилда - 9,1 %ни, совет даврининг охирида 50-60 %ни, 90-йилларнинг бошларида 45-50 %ни ташкил этган. Бу шуни англатадики, Ўзбекистон аҳолиси асосан республика худуди ичида ҳаракат қилади. 2020 йилда аҳолини умумий сонидан республикага келганлар 1,6 %ни, кетганлар эса 7,8 % ни ташкил этди [7].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича меҳнат ресурслари баланси кўрсаткичлари (2020 йил декабр ҳолатида. минг. киши)

т/р	Минтақалар номи	Иқтисодий фаол аҳоли	Иқтисодиётда бандлар	Ишсизлар	Жами меҳнат ресурслари	Ишсизликнинг Меҳнат ресурсларига нисбати (%)
1	Ўзбекистон Республикаси	14797,4	13236,4	1561,0	19158,2	8,1
2	Қорақоғоғистон Республикаси	790,0	707,4	82,6	1074,7	7,7
	<i>Вилоятлар:</i>					
3	Анджон вилояти	1376,5	1225,9	150,6	1754,8	8,6
4	Бухоро вилояти	881,9	788,0	93,9	1067,1	8,8
5	Жиззах вилояти	600,1	534,3	65,8	773,8	8,5
6	Қашқадарё вилояти	1317,9	1171,0	146,9	1809,8	8,1
7	Навоий вилояти	440,9	399,4	41,5	555,2	7,5
8	Наманган вилояти	1217,2	1088,7	128,5	1580,4	8,1
9	Самарқанд вилояти	1592,9	1418,3	174,6	2125,2	8,2
10	Сурхондарё вилояти	1108,3	985,5	122,8	1452,2	8,5
11	Сирдарё вилояти	373,4	332,2	41,2	485,0	8,5
12	Тошкент вилояти	1315,8	1177,2	138,6	1615,4	8,6
13	Фарғона вилояти	1625,7	1448,6	177,1	2069,3	8,6
14	Хоразм вилояти	804,5	716,4	88,1	1044,8	8,4
15	Тошкент шаҳри	1352,3	1243,5	108,8	1750,5	6,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

1-жадвал маълумотлари асосида шуни айтиш мумкинки, мобилликнинг асосий сабабларидан бири бу ишсизлик ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг пастлигидир. Мамлакатимизда 2020 йилда ўртача ишсизлик даражаси 8,1 фоизни ташкил этмоқда. Мамлакатимизда мобиллик кўрсаткичи пасайиши кузатилмаяпти. Аҳолини иш билан таъминлашда янги касбларни жорий қилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш талаб этилади. Шунда фикримизча икки муаммо аҳоли бандлиги ва мобиллиги тўғри йўналтирилган бўлади.

Ҳозирги вақтда энг катта мобиллик тўлиқни ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатлар томон йўналган. Бунда энг кўп хорижий мигрантларни АҚШ қабул қилади. Охириги йилларда бу давлатдаги иммигрантлар сони 45 млн. кишидан ошгани қайд этилган. Ғарбий Европа давлатлари орасида эса энг кўп иммигрантлар Германия, Буюк Британия ва Францияга келган. Бу давлатларнинг ҳар бирида 7-10 млн иммигрант яшамоқда. Ғарбий Европага иммигрантларнинг асосий қисми Жануби-ғарбий ва Жанубий Осиё, Шимолий Африка ҳамда Шарқий Европа бормоқдалар. Бошқа ривожланган давлатлардан Австралия, Канада, Янги Зеландия, Исроил ва ЖАР кўплаб хорижий мигрантларни қабул қилмоқда. Шундай экан, барча ривожланган давлатларда миграция салдоси (баланси) мусбат ҳисобланади.

Аксарият қисми манфий миграция балансига эга бўлган ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ҳам йирик миграцион оқимлар вужудга келган. Жумладан, катта миқдордаги хорижий мигрантларни Форс қўлтиғидаги араб мамлакатлари, айниқса, Саудия Арабистони ва БАА ҳамда Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия сингари янги саноатлашган давлатлар жалб қилмоқда. Бу давлатларга Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Яман, Индонезия, Ветнам, Миср каби Осиё ҳамда Африка мамлакатларидан миллионлаб иммигрантлар бориб меҳнат қилишмоқда.

Лотин Америкаси, Осиё ва Африка қитъаларида қўшни давлатлар орасида нафақат иқтисодий, балки сиёсий, экологик, этник омилларга боғлиқ ҳолда сони жиҳатидан йирик, лекин худудий кўлами нуқтайи назаридан локал (маҳаллий) миграцион оқимлар ҳам рўй бермоқда. Масалан, Суриядан Туркияга, Афғонистондан Эронга, Угандадан Кенияга миллионлаб кишилар кўчиб бормоқдалар. Йирик миграция оқимлари МДҲ худудида ҳам мавжуд бўлиб, кўпроқ Россияга йўналган.

Россияда миграция ҳисобига олинган ўзбекистонликларнинг аксарият қисми – деярли 82 фоизи меҳнат муҳожирларидир. 2020 йилда Ўзбекистон фуқаролари ушбу давлатда “Иш” сафари мақсадида ҳисобга олинган чет эллик

фуқароларнинг 38 фоизини ташкил қилди. Бу кўрсаткич бўйича 2-ўринда Тожикистон фуқаролари (22 %), 3-чи ва 4-чи ўринда эса Қирғизистон (8 %) ва Украина (8%) фуқароларидир. Юқорида кўрсатилган рақамлардан кўриниб турибдики, ўтган йилда Марказий Осиёнинг учта давлат фуқаролари (Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон) Россиядаги чет эллик меҳнат ресурсларининг 68 фоизини, Ўзбекистон ва Тожикистон фуқаролари эса биргаликда ярмидан кўп – 60 фоизини ташкил қилган.

Мобилликнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича ўзбекистонликларнинг улуши бошқа давлатлар фуқароларининг улушига нисбатан анча кам. Жумладан, 2020 йилда Россияда доимий яшаш ҳуқуқини олган чет эллик фуқаролари орасида украиналиклар (29%) ва тожикистонликлар (16%) етакчи ўринларни эгаллаган бўлишса, Ўзбекистон фуқаролари 11 фоизни ташкил қилиб 3-ўринда. Шунингдек, ўтган йили Россия фуқаролигини қабул қилган чет элликлар орасида ҳам ўзбекистонликларнинг улуши жуда кам, атиги 4 фоизни ташкил қилади.

2016-2020 йилларда Ўзбекистон фуқароларининг Россияга миграциясини сафар мақсадлари бўйича олиб қарасак, таълим олиш мақсадида борганлар сони ушбу давр мобайнида 2 баробарга, “хусусий” мақсадда борганлар сони 50 фоизга, ишлаш учун борганлар сони эса 47 фоизга ошган. Охириги 4 йилда Россияга ишлаш мақсадида борган ўзбекистонликлар сони бирламчи миграция ҳисобига олинган Ўзбекистон фуқаролари умумий сонининг 81 дан 84 фоизгача бўлган қисмини ташкил қилган.

Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси сони кўпайиши баробарида иш қидириб четга чиқаётган фуқаролар сони ҳам ошиб бормоқда. Шуниси қизиқки, бу рақамларнинг ўзаро нисбати 10-11 фоиз атрофида деярли ўзгармас бўлиб турибди. Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг ҳар ўнинчи иқтисодий фаол фуқароси ҳар йили иш топиш мақсадида хорижга чиқади. Шу ўринда 2020 йилда бу кўрсаткич камайган.

Республикадаги мобилликнинг умумий кўрсаткичлари шаҳар ва қишлоқларида содир бўлаётган жараёнлар асосида шаклланади, шунинг учун умумий тенденциялар ва хусусиятлар барча минтақаларга хос тарафлари мавжуд.

Аксарият худудлар аҳолининг ташқи мобиллигидаги иштироки жуда пастлиги билан ажралиб туради. 2020 йил маълумотларига кўра республиканинг бир қатор минтақаларида келганларнинг умумий сонидан хорижий миграцияни улуши 0,1-0,3 % ни ташкил этди (Қашқадарё, Бухоро, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси). Сурхондарё вилоятига келганларнинг 10378 тасидан 6 нафари республика ташқарисидан келганлар эди. Бошқа худудлар-

да чет элдан келганларнинг улуши бироз юқорироқ: Навоий, Наманган, Самарқанд вилоятларида 1,1%, Хоразмда 0,6 %, Сирдарёда -2,0 %. Чет элдан келганлар нисбатан кўпчилиги Фарғона (2,6 %), Тошкент (4,2 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳрига (1,7 %) келганлар [7].

Республиканинг барча ҳудудлари маҳаллий ҳаракатланиш билан ажралиб туради, яъни ҳудуд ичида. Ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилда республика ичидаги миграциянинг умумий ҳажмида ҳудуд ичидаги ҳаракатлар 60,4 %ни ташкил этди, бу кўрсаткичлар бўйича - Тошкент (57,6 %), Самарқанд (66,3 %), Навоий вилоятларида (68,1 %), Жиззах ва Сирдарё вилоятларида (69,0 %). Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида бу улуш юқори бўлиб 87-89 % ни ташкил этди, Сурхондарё вилоятида эса 93,0 %. Тошкент шаҳрига келганлар сонидан - республика вилоятларидан 98,3 % ва ташқаридан 1,7 %ни ташкил этмоқда [8].

Шуни тушуниш керакки, ҳудуднинг инвестиция салоҳияти даражаси қанчалик юқори бўлса, меҳнат ресурсларининг мобиллиги зичлиги шунчалик юқори бўлади. Ҳудуднинг инвестициявий жозибатор қиёфасини шакллантиришнинг моҳиятини тадбиркорлик фаолияти натижасида ҳудудий ривожланиш мақсадлари ва ресурс салоҳияти йиғиндисидан ўзгаришларни тизимли ҳисобга олиш асосида динамик самарадорлик контсепцияси тамойилларига мувофиқ ҳисобга олган ҳолда. Фаолият, минтақавий иқтисодий ўсиш ягона минтақавий иқтисодий макон ва миллий институтлар мавжудлиги-

да тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш учун ўзгарувчан алтернативалар тўплами билан белгиланади.

Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда, меҳнат ресурсларининг мобиллиги нафақат стратегик аҳамиятга эга бўлган янги иш ўринларини ўзлаштириш ва мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш билан чекланиб қолмасдан, минтақавий, тармоқ ва касб-хунар сегментларида иқтисодий фаолият турлари бўйича меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва уни таклиф параметрларининг таркибий мувофиқлиги учун объектив шарт-шароитларни яратади. Иқтисодиёт тармоқлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг барча соҳаларида янги юқори рентабелли иш ўринларини яратишда ҳизмат қилади. Меҳнат бозори инқирозининг олдини олиш ва камайтириш бўйича профилактика чораларини кўриш бевосита меҳнат миграциясини нафақат паст малакали меҳнат ресурслари, балки кўпроқ даражада юқори технологияли ишлаб чиқаришларда ишлашга қодир бўлган мутахассисларни рағбатлантириш чоралари тизимига боғлиқ. Барқарор миграция сиёсатини амалга ошириш нафақат барқарор меҳнат бозорини шакллантириш бўйича компенсацион чора-тадбирлар тизимини кенгайтирибгина қолмай, балки маҳсулот ва хизматлар таннархини пасайтиришни таъминлайди, бюджет ва бюджетдан ташқари тушумларнинг ўсишини рағбатлантиради. Меҳнат ресурслари ички мобиллигини таъминлаш аҳолининг бандлигига кўмаклашади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 29-декабрдаги 2021 йил учун мўлжалланган вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.uza.uz - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги портали.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. "Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт" Т.: "ФАН" Нашриёти - 2019 й.
3. Николаева И.П. «Мировая экономика». Третье издание. Издательство "Unity", 2006
4. Ионцев В.А. Международная миграция населения: теория и история изучения. - М., 2005.
5. Абдураҳмонов Қ.Х. "Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт" Т.: "ФАН" Нашриёти - 2019 й.
6. Мамадалиева Х.Х., Гулмуродов К.А. "Республика ҳудудларида аҳолининг ташқи ва ички миграция даражасини баҳолаш" *Логистика ва иқтисодиёт илмий электрон журнал 2021 йил 5-сон 170 б.*
7. Мамадалиева Х.Х., Гулмуродов К.А. "Республика ҳудудларида аҳолининг ташқи ва ички миграция даражасини баҳолаш" *Логистика ва иқтисодиёт илмий электрон журнал 2021 йил 5-сон 170 б.*
8. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишлаш йўли билан тузилган.



АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Юсуфалиев Олимжон Абдураҳмонович -

Гулистон давлат университети таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a47

Аннотация. Ушбу мақолада аҳоли фаровонлиги оширишда тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда юзага келадиган муаммолар, аҳоли турмуш даражаси ва аҳолини иш билан таъминлашга тадбиркорликдан фойдаланишнинг инновацион йўналишлари ва тадбиркорликка оид муносабатлар илмий асосланган тарзда таҳлил қилинган. Ва муаммоларни ҳал этиш бўйича инновацион йўналишлардан фойдаланиш бўйича хулоса ва таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар. Аҳоли, фаровонлик, инновация, тадбиркорлик, тадбиркорлик қобилияти, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, кредит, ишсизлик, аҳоли турмуш даражаси, аҳоли даромадлари, иш ҳақи, молиявий юк, истеъмол, бюджет, меҳнат ресурслари, хизмат кўрсатиш.